

## Намоз ўқиётганда ёмон ҳаёллардан қутулиш йўли



16:09 / 07.07.2020 28908

Дунёда ихлос, хушуъ ва хузуъ билан қилинадиган ибодат инсонни иймонсизлик, гуноҳдан сақлайди ва уни азиз қилади. Аллоҳ таоло Қуръонда шундай марҳамат қилади: **“Аллоҳ иймон келтириб, яхши амалларни қилганларга ваъда қилди: уларга мағфират ва буюк ажр бўлур.”** (Моида сураси 9-оят) ; **“...ва намозни тўкис адо эт, албатта намоз фаҳш ва мункар ишлардан қайтарур...”** (Анкабут сураси 45-оят).

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак ҳадисларида шундай марҳамат қиладилар: **«Эҳсон Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек ибодат қилишинг. Гарчи Уни кўрмасанг-да, У сени кўриб турур».**

Намоз ўқилаётган одамга ён атрофга қарашни ўзи эмас, балки қалбан Буюк Аллоҳни эсдан чиқариб қўйишликдан ҳам қайтарилган. Аллоҳ бандасининг юзига қараб тураверади тоинки банда ўзи чалғимагунча, намозни ўқиганда банда қалбан Аллоҳни унутса ёки ён атрофга олазarak бўлишни бошласа, Аллоҳ ҳам ундан юз ўгиради. Оиша розияллоху анҳо бир куни Набий саллоллоху алайҳи васалламдан намоз ўқиётган одамнинг ён атрофга қараши ҳақида сўради ва қуйидаги жавобни олди: “Бу ўғрилиқ. Шайтон Аллоҳ бандасидан намоз учун бериладиган ажр мукофотининг бир қисмини ўғирлайди” –дедилар.

Имом Ғаззолий айтадилар: “ Қанчадан қанча одамлар таҳоратни бепарволик билан қилишади . Қанчадан қанча одамлар бошқаларга намоз ҳақида гапирдилар, ваҳоланки улардан ҳеч ким сўрамаган. Улар қалбларида хушўсиз намоз ўқийдилар. Агар уларни намоз пайтида чумоли чақса, улар намозни қўйиб шу чумоли билан банд бўлишади. Шу билан бирга Аллоҳни розилигини топган одамни намоз пайтида оёқ қўлларини кесиб ташласанг ҳам у сезмайди. Агар подшоҳ олдида турган одамни чаён чақиб олса, подшоҳга ҳурмат юзасидан хатто қимирламайди, аммо намозда Аллоҳ олдида турган одам анча юқори даражадаги ихлосни ва содиқликни энг каттасини кўрсатиши керак.”

Бир ривоятда келтирилишича, Аллоҳ намозда чалғийдиган бандасига шундай дейди: ” Сен Мендан ҳам яхшироқ деб билган томонингга ўгирилдингми ?”.

Намоз вақтида ён атрофига қарайдиган ёки бирор бошқа нарса ҳақида ҳаёл сурадиган одам шайтонни кўрсатмасини бажараётган ҳисобланади, чунки айнан унинг васвасаси намоз вақтида ўзга ҳаёлларнинг келишига сабаб бўлади. Бунақа намозхон , бутун вужуди билан Аллоҳга ибодат қилаётган намозхон билан тенг бўла олмайди. У Аллоҳнинг азаматини, Унинг хузурида турганини, қалбини хузуь тўлдирган, боши Роббиси олдида эгик, Роббисидан ҳаё қилади, ён атрофига қарашга ёки Аллоҳдан бошқа нарсалар ҳақида ўйлашга журъат қила олмайди. Бу икки киши орасидаги фарқ осмон ва ер кабир. Албатта ҳамма фарз намозларни адо қилинг, бу сизларни Аллоҳни ғазабини келтирадиган амаллардан сақлайди.

Табиатан инсон фитратида шу нарса бор, яъни бизга ёққан нарсадан, ўрнига ундан ҳам яхшисини олмагунимизча аввалгисидан воз кеча олмаймиз. Динда ҳам худди шундай. Ибодат лаззатини тотмагунимизча , гуноҳлардан тийила олмаймиз. Бу нарса учун тажриба керак. Тез-тез Аллоҳнинг маҳлуқотлари ҳақида тафаккур қилиш керак. Унинг бизга

меҳрибонлиги ҳақида кўп ўйлаш даркор. Шошилмасдан Қуръон ва ҳадисларни ўқиб тафаккур қилайлик.

Кун тартибини ёзиб чиқайлик, унда кундалик ибодат вақтлари ва турлари бўлсин. Ёзган нарсамизга тўлиқ амал қилишга ҳаракат қилайлик ва янги вазифаларни қўшиб борайлик. Шу йўл билан беш вақт намоз, дуо, ота-онани зиёрати, хонадон ишлари, бирор бир спорт тури билан шуғулланиш ва х.к.з ларни йўлга қўямиз.

Ҳар қандай ишда энг асосийси ният, бу ишларни Қудратли Аллоҳ розилиги учун бажаришдир. Аллоҳ бизга қийинчиликларни раво кўрмайди. Аллоҳнинг гўзал исм ва сифатларини маъноларини англаб ўргансак, шунда қалбимиз юмшаб, У Зотга шукур қилувчи бандага айланамиз. Аллоҳга амалда шукр қилиш – бу аввалги содир этилган гуноҳ маъсиятларни қайта қилмасликдир. Ва бу нарса яхшилик қилишнинг айнаи ўзидир. Борган сари Аллоҳнинг бандаси гуноҳдан тийилиб, тобланиб, солиҳ амал қилувчилар мақомига етади.

Психологияда “оқ маймун” феномени ҳақида гап бор. Бунда ички оламнинг ташқи муҳит таъсири билан кураши жуда қийин эканлиги исботланган. Бундай феномендан кўзланган мақсад – бир киши иккинчи кишига: “Оқ маймун ҳақида ўйлама” – дейди, иккинчиси эса айнан шу ҳақида тафаккур қила бошлайди. Тажовузкор ҳаёллар билан олиб бориладиган фаол кураш ҳам худди шу натижаларни беради.

Бирор бир нарсани уддалай олиш ҳақида қанча кўп гапирсанг, шунча кам эплейсан. Ҳар қандай амоқона фикр ва эхтирослар пайдо бўлмасин, уларни келганидек кетишига ҳам йўл қўйиб беринг, токи уммондаги тўлқин каби ҳеч қандай қийинчиликсиз ғойиб бўлсин. Бир фикрга ёпишиб олманг, фақат у ҳақида ўйлайверманг ва унга ён босманг. Бир фикрда қотиб уни кучайтиришга ҳаракат қилманг. Фикрлар кетидан қувманг ва уларни таклиф ҳам қилманг. Уммонга ўхшанг, унинг тўлқинларига ёки осмонга ёки сузиб юривчи булутларга қаранг.

Агар бирор бир жойда бизни камерага олишаётган бўлса, ўзимизни қандай тутамиз? Ҳеч қандай номақбул амалларни қилмаймиз, тўғрими?! Аксинча ўзимизни иложи борича одобли, ахлоқли кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Энди Аллоҳнинг чарчамас, батерейкаси тугамас, бузулмас камералари доимо бизни тасвирга олиб бораётганини бир тасаввур қилиб кўрайликчи. Юқорида келтирилган ҳадисда ҳам шуни такидланади «...**Гарчи Уни кўрмасанг-да, У сени кўриб турур**». Манашу ҳақиқатни ўзимизга сингдира олсак, Иншааллоҳ барча ибодатларимиз тўла-тўқис бўлади ва бу

дунёда бахт-саодатга, охиратда эса улуғ мақомларга эришамиз.